

Аллоҳга қасамки, мен ютдим!



08:00 / 04.11.2019 1481

Жаббор ибн Салмо Омир ибн Фуҳайрага найза санчганда Омир: «Аллоҳга қасамки, мен ютдим!» деди. Омир осмонга кўтарилди ва кўринмай қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Фаришталар унинг жасадини беркитиб олишди ва у иллийюнга тушди**», дедилар. Жаббор ибн Салмо унинг «Аллоҳга қасамки, мен ютдим» дегани нима эканини сўради. «Жаннатга тушдим дегани», дедилар. Шунда Жаббор Омир ибн Фуҳайранинг мана шу ҳолатидан таъсирланиб, мусулмон бўлди ва Исломи гўзал бўлди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан